

Институтимиз дунёning ТОП 1000 талик университетлар халқаро рейтингига кирди

Тинимсиз изланиш ва ҳаракат самара ҳамда ютуқларнинг муҳим омили. Тараққиётнинг кафолати бўлган илм-маърифат ва таълимга эътибор дунё миқёсида тан олинган. Эълон қилинадиган натижা илмий изланиш ва интилишлар ҳосиласи. 2021 йил 21 апрель куни Буюк Британиянинг олий таълим соҳасидаги университетлар фаоллигини баҳолаб борувчи Times Higher Education (THE) халқаро рейтинг агентлиги ўзининг навбатдаги “THE Impact Ranking-2021” натижаларини эълон қилди. Ушбу рейтингнинг асосий мақсади Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан 2030 йилга қадар мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) амалга оширишда олий таълим муассасаларининг (ОТМ) таъсирини баҳолашдан иборатdir.



Мазкур рейтингда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚҲММИ) дунё университетларининг умумий рейтингида 45.3 балл билан 801 ўринда қайд этилиб, жами 17 та БРМ ўйналишидан қўйидаги 13 таси бўйича юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлди:

- БРМ 1 – қашшоқликни йўқотиш (no poverty) бўйича 591 ОТМ орасида 401+ ўрин;
- БРМ 2 – очликни тугатиш (zero hunger) бўйича 442 ОТМ орасида 201-300 ўрин;
- БРМ 4 – сифатли таълим (quality education) бўйича 966 ОТМ орасида 401-600 ўрин;
- БРМ 5 – гендер тенглиги (gender equality) бўйича 776 ОТМ орасида 601+ ўрин;
- БРМ 6 – тоза сув ва санитария (clean water and sanitation) бўйича 520 ОТМ орасида 301-400 ўрин;
- БРМ 7 – арzon ва тоза энергия (affordable and clean energy) бўйича 560 ОТМ орасида 401+ ўрин;
- БРМ 8 – муносиб иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш (decent work and economic growth) бўйича 685 ОТМ орасида 601+ ўрин;
- БРМ 9 – саноатлаштириш, инновациялар, инфратузилма (industry, innovation and infrastructure) бўйича 680 ОТМ орасида 401-600 ўрин;
- БРМ 10 – тенгсизликни камайтириш (reduced inequalities) бўйича 669 ОТМ орасида 301-400 ўрин;
- БРМ 12 – масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш (responsible consumption and production)

бўйича 503 ОТМ орасида 401+ ўрин;

- БРМ 13 – иқлим ўзгаришига қарши курашиш (climate action) бўйича 566 ОТМ орасида 301-400 ўрин;
- БРМ 15 – қуруқлиқдаги экотизимларни асраш (life on land) бўйича 402 ОТМ орасида 301-400 ўрин;
- БРМ 17 – барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик (partnership for the goals) бўйича 1154 ОТМ орасида 401-600 ўрин.

Маълумот сифатида шуни эътироф этиш жоизки, Барқарор ривожланиш мақсадлари – 2012 йилда БМТ томонидан ишлаб чиқилган дастур бўлиб, у ҳар бир инсон учун фаровон турмуш тарзини яратишга хизмат қилувчи иқтисодий, ижтимоий, экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади. Мазкур мақсадлар БМТга аъзо барча давлатлар томонидан 2015-2030 йилларда амалга оширилиши кун тартибига киритилган.



Эслатиб ўтамиз, ТНЕнинг 2020 йилда эълон қилинган рейтинги бўйича ТИҚХММИ фақат 2 йўналишда: тоза сув ва санитария (6.clean water and sanitation) ҳамда қуруқлиқдаги экотизимларни асраш (15.life on land) дунё университетларининг рейtingига ўрин қайд этган эди.



Маълумки, ТНЕ халқаро рейтинг агентлиги 2004 йилдан бошлаб дунё университетлари рейтинги билан шуғулланиб келмоқда. Унинг бу борадаги асосий ҳамкорлари “Thomson Reuters” – етакчи халқаро ахборот агентлиги ҳамда “Elsevier” – йирик илмий нашриёт компанияси ҳисобланади.



Муваффақиятлар яна янги марралар сари илҳомлантиради. Ютуқлардан эсанкираш ёт бўлган жамоада ғайрат-шижоат, илм-маърифат ва таълимга эътибор доим юқори даражада бўлиши табиий. Ваҳоланки, юқори кўрсаткичлар сари дадил ва илдам қадам янги Ўзбекистон шукуҳи ва учинчи Ренессанснинг муҳим мезонидир.



ТИҚХММИнинг ТНЕ бўйича масъул ходими Илҳом Абдурахманов ахбороти

ТИҚХММИ матбуот хизмати

